
ҚУВА ТУМАНИДА ТЕРАК КЎЧАТЛАРИ ЭКИШ НАМУНАЛИ ТАРЗДА АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА

Қува туманида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси бўйича 55 та маҳалла фуқаролар йиғинлари кесимида бугунги кунга қадар 3 миллион донага яқин терак қаламчалари экилди. Туман миқёсида жами 5,5 миллион қаламча экиш режа қилинган бўлиб, ҳозирда бу борада қизғин жараёнлар бормоқда.

Қишлоқ хўжалигида самарасиз фойдаланилаётган майдонларга, темир йўл бўйлари, зовур ёқалари, зиёратгоҳ ва қабристонлар атрофидаги бўш ерларга оқтерак, кўктерак, калифорния каби терак қаламчалари суқилмоқда.

Хусусан, туманда энг кўп Янгичек МФЙда 250 минг, Намуна МФЙда 175 минг, Акбаробод МФЙда 150 минг дона терак кўчатлари етиштириш учун майдонлар ҳозирланган.

Келгусида туманда ёғоч маҳсулотларига бўлган талаб ва эҳтиёжни қондириш, импортни камайтириш, ёғочни қайта ишлаш корхоналари фаолиятини янада ривожлантириш кўзда тутилган.

Эътиборлиси, тераклардан олинадиган даромад ҳудудлардаги кам таъминланган оилаларга кўмак кўрсатиш, маҳалла фуқаролар йиғинларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, коммунал тармоқларда юзага келадиган муаммоларни бартараф этишга йўналтирилади. Шунингдек, ниҳолларнинг гуркириб ўсиши атроф-муҳитни яшилликка бурканишига, ноорганик чанглари тутиб, ҳавони тозалашга хизмат қилади.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2022-04-06 20:29:03